

Таниқли академик институт дала-ўқув полигонига ташриф буюрди.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети талаба-ёшлари 2018-2019 ўқув йили якунида дала-ўқув амалиётини ўташ мақсадида Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида жойлашган ТИҚХММИнинг амалиёт майдонларига бўлдилар. Дала-ўқув машғулотлари қизғин давом этаётган даврда академик, биология фанлари доктори, Бакриддин Зарипов ташриф буюрди. Ташриф давомида академик Бакриддин Зарипов факультет талаба-ёшлари билан қишлоқ хўжалигидаги янги инновациялар ва технологиялар ҳақида суҳбат қурди ҳамда қишлоқ хўжалигини механизациялашнинг янги технологиялари ҳақида гапириб ўтди ва талаба-ёшларга қўшимча тавсия ва керакли маслаҳатларни берди.

